

# Ийдул Фитр - Рамазон ҳайити байрамингиз муборак бўлсин!



00:30 / 21.04.2023 1607

Мўмин бандаларининг гуноҳ ва хатоларига қалқон қилиб рўзани Ислоннинг фарз ибодатлари қаторига қўшган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!

Умнатларига чексиз муҳаббат ва шафқат кўрсатиб, рўза тутишни барча сир-асрорлари билан ўргатиб кетган ҳабиб Пайғамбаримиз Муҳаммад мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламга абадул-абад салавоту саломлар бўлсин!

Ассалому алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ!

Азиз юртдошлар, муҳтарам мўмин-мусулмон биродарлар!

Мўмин-мусулмонларнинг улуғ, гўзал байрами бўлмиш Ийдул Фитр – Рамазон ҳайити муносабати билан фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари номидаги жомеъ масжид жамоаси номидан, «Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёти ҳамда Islom.uz портали ижодий жамоаси номидан чин дилдан, самимий муборакбод этамиз!

Аллоҳ таолога беҳисоб шукрлар бўлсинки, бу йилги Рамазон ойини ҳам тоат-ибодатда, зикру тасбеҳда ўтказишни, зиммамизга фарз қилинган рўза ибодатини адо этишни насиб қилди.

Юртимизнинг деярли барча жомеъ масжидларида ўқилган таровеҳ намозларида Аллоҳ таолонинг каломи – Қуръони Карим хатм қилинди. Хусусан, фазилатли шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг номи билан аталган мажмуада ҳам таровеҳ намозлари ўқилиб, барча ижтимоий тармоқлар орқали бутун дунёга намойиш қилинди.

Масжид ходимлари ҳамда Islom.uz порталининг ижодий жамоаси Қуръонга мухлис халқимиз учун ажойиб Рамазон тухфасини тақдим этдилар.

Нафақат мустақил юртимиз тарихида, балки бутун минтақада илк бор хатми Қуръон жонли эфирга узатилаётган пайтда шу аснода ўқиладиган ояти карималар Мадинаи Мунаввара мусҳафи шарифининг ёзувида бериб борилди. Шунингдек, ҳар бир ояти карима билан бирга унинг ўзбек тилидаги маъно таржималари ҳам эфирга узатилди. Шу тариқа Ўзбекистонимизда ҳам Ислом оламидаги барча давлатлардаги каби, айниқса, Саудия Арабистонида Мадинаи Мунаввара ҳамда Маккаи Мукаррамадан узатиладиган эфирлардаги каби, тиловат қилинаётган оятларнинг ёзуви ва маъно таржимаси узатиб туриладиган бўлди.

Ушбу янгилик юртимиз масжидларида ўқиладиган таровеҳ намозларини уйдан, хизмат жойидан ёки чет эллардан томоша қилиб, Қуръон хатмига сомеъ бўлаётган азизларимиз учун муносиб Рамазон тухфаси бўлди.

Умид қиламизки, Роббимиз иймон-эътиқод билан, хулуси ният билан, ажру савоблардан умидвор бўлиб тутган рўзаларимизни, бу ойда қилинган барча солиҳ амалларимизни даргоҳида ҳусни қабул айлаб, уларга ваъда қилинган улуғ мукофотларни насиб қилади, иншааллоҳ!

Зеро, Парвардигоримиз: «Одам боласининг барча амаллари ўзи учун, фақат рўза Мен учун, унинг мукофотини Ўзим бераман», деб марҳамат қилган.

Мана, бугун Рамазон билан хайрлашиб, Ийдул Фитр байрамини нишонлаб турибмиз. Бунинг учун Парвардигоримиз Аллоҳ субҳанаҳу ва таолога чексиз ҳамду саноларимиз бўлсин!

Азизлар, Ийдул Фитр — Рамазон ҳайити байрами муносабати билан Аллоҳ таолога астойдил тавба қилиб, сидқидилдан дуо қилайлик: Роббимиз юртимизга, бутун дунёга тинчлик-хотиржамлик, офият берсин, тутган рўзаларимизни даргоҳида қабул, охиратда шафоатчи қилсин, барчамизга иймон ҳаловатини, тоат-ибодатнинг лаззатини насиб этсин, азиз ватанимизни жаннатмакон қилсин, халқимизни Ўзининг розилигини топадиган халқлардан қилсин!

Ийдул Фитр – Рамазон ҳайити байрамингиз муборак бўлсин!